

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил май ойининг 31 куни жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ф.Рахманов, судья ёрдамчиси Х.Ризақуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Нурота тумани прокурорининг ёрдамчиси Б.Худойбердиев, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси адвокат З.Бегматовнинг иштирокида, ХХХга нисбатан бўлган № 1-2107-2301/46-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи:

ХХХ (ХХХ) - куни Хатирчи туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, нафақада, оилали, 3 нафар фарзанди бор, судланмаган,

яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 23 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи ХХХ ғаразли ёки бошқа паст ниятларда интернет жаҳон ахборот тармоғининг “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғида 99890-730-08-70 рақами орқали “Шоира Юлдашева” номли профиль очиб, ушбу профилдан диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш мақсадида 18.02.2018 йилда Рофиқ Камоловга тегишли бўлган “Бенамозлик ҳақида” номли намоз ўқимаган кишининг мусулмон эканлигига ҳужжати йўқ эканлиги, у ўзини мусулмон ҳисоблашга ҳақи йўқ эканлиги, намоз ўқимасдан оламдан ўтган кишини ер юзи тўпланиб намозини ўқиса ҳам, қурбонлик эҳсонлар қилса ҳам жаннатга кира олмаслиги, намоз ўқимай оламдан ўтган кишига қурон ўқиган киши гуноҳкор бўлиши, бенамоз одам мусулмон эмаслиги, унинг мўминлиги йўқ эканлиги ҳақидаги давомийлиги 5-45 дақиқа бўлган видео маърузага “Класс” муносабат белгиси босиб Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда ўзининг 130 нафар виртуал дўстларига тарқатганлиги аниқланиб, ХХХга тегишли бўлган “Моторолла” русумли қўл телефони 2023 йил 15 февраль куни ашёвий далил тариқасида олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин



ишлари бўйича қўмитанинг 23.02.2023 йилдаги IV-019-сонли судга оид диншунослик экспертизаси хулосасига мувофиқ, Ш.Х.Юлдашева томонидан, “Шоира Юлдашева” номли профиль орқали Интернет жаҳон ахборотининг “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғида фойдаланиб ўзининг 130 нафар виртуал дўстларига тарқатиб келган Рофиқ Камоловга тегишли бўлган “Бенамозлик ҳақида” номли намоз ўқимаган кишининг мусулмон эканлигига ҳужжати йўқ эканлиги, у ўзини мусулмон ҳисоблашга ҳақи йўқ эканлиги, намоз ўқимасдан оламдан ўтган кишини ер юзи тўпланиб намозини ўқиса ҳам, қурбонлик эҳсонлар қилса ҳам жаннатга кира олмаслиги, намоз ўқимай оламдан ўтган кишига қурон ўқиган киши гуноҳкор бўлиши, бенамоз одам мусулмон эмаслиги, унинг мўминлиги йўқ эканлиги ҳақидаги давомийлиги 5-45 дақиқа бўлган видео маъруза диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганлиги, юқорида қайд этилган материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланганлиги аниқланган.

Судланувчи ХХХ суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 05.03.2015 йилда ишлаш мақсадида овсини Чутбаева Дилрабонинг таклифига асосан Туркия давлатини Истамбул шаҳрига борганлиги, у ерда 77 ёшли Анверсевил Айнурсевил ва унинг турмуш ўртоғи 87 ёшли қарияларга қараганлиги, шу вақтларда уйдагилари билан суҳбатлашиб туриш мақсадида интернет ижтимоий тармоғининг “Одноклассики.ру” сайтида “ШОИРА ЮЛДАШЕВА ХАЙРУЛЛАЕВНА” номи остида профиль яратиб фойдаланиб келганлиги, унга ушбу “Одноклассики.ру” сайтини ёши тахминан 19 ларда бўлган Абдулазиз исмли бола очиб берганлиги, ушбу профилдан фойдаланган вақтида видеороликларга “класс” белгисини босган бўлиши мумкинлиги, лекин бунини аниқ эслай олмаслигини, шулар орасида “Рофиқ қори” исмли шахсга тегишли бўлган “Бе намозлар” тўғрисидаги маърузага ҳам “класс” белгисини 2018 йилнинг 14 февраль куни босганлигини эслай олмаслигини, кейин у Туркия давлатидан 26.04.2019 йилда Ўзбекистон Республикасига яшаш манзилига қайтиб келганлиги, 2023 йил 15 февраль куни ИИБ ходимлари уни Хатирчи тумани ИИБ 227-сонли МТПга чақиришиб тегишли санкция орқали уяли алоқа воситаси ҳамда интернет ижтимоий тармоғидаги профилларини кўздан кечириш вақтида интернетдан “Телеграмм”, “Инстаграмм”, “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини, телеграммда +99890-730-08-70 рақамидан фойдаланишини, “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғида ҳам ушбу телефон рақами орқали рўйхатдан ўтказилганлигини маълум қилганлиги, унга тегишли бўлган оқ рангли орқа томони тахта кўринишидаги “Моторола” маркали қўл телефонининг ички хотираси кўздан кечирилганда “Файлы” папкасида “Песни” бўлимида 27 та файл, “Видео” бўлимида 40 та файл борлиги, “Изображения” папкасида 13 та турлича номланган папкалар бўлиб уларнинг ҳар бирида бир неча фото суратлар борлиги аниқланганлиги, унга тегишли бўлган “Шоира Юлдашева” (130 та суратлари, 180 та қайдлари, 525 та фото сурати 21 та группа мавжуд) деб номланган профилига кириб, профилнинг видеолар бўлимида “Класс”



муносабат билдирган видеолари кўздан кечирилганда “Рофиқ қори Бенамоз одам мусилмонми – Бенамозлик ҳақида” номли (давомийлиги 05:45 дақиқа 18.02.2018 йил куни “класс” муносабат белгиси босилган) деб номланган видео маърузасига “Класс” босилгани аниқланганлиги, шу сабабли унга тегишли бўлган бир дона “Моторолла” маркали қўл телефон аппарати холислар иштирокида текширилиб кўришлик мақсадида қонуний тартибда баённома асосида расмийлаштирилиб олинганлиги, профилда мавжуд бўлган диний мазмундаги видеолар икки нафар холис иштирокида ДВД дискка кўчирилиб пакетга солинганлиги ва телефон билан бирга муҳрланганлиги, у класс босган диний мазмундаги маърузалар виртуаль дўстларига тарқалишини билмаганлиги, қачон ва нима сабабдан босганлигини ҳам аниқ эслай олмаслигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, бу ҳолат иккинчи бор такрорланмаслигини, суддан унинг ҳозирги кунда соғлиғи яхши эмаслигини, ковидга чалинганидан сўнг унинг оёқларида суяк емирилиши пайдо бўлганлиги, хассога суяниб қолганлиги, қарамоғида 3 нафар фарзанди борлигини, аёллигини, нафақа ёшида эканлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ғайбуллаев Хаётилло Раҳматулла ўғли суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 15 февраль куни уни ИИБ ходимлари Хатирчи тумани ИИБ 272-сон Ҳуқуқ-тартибот маскани биносига чақиришиб, бир ишда холис бўлиб иштирок этишини сўрашганлиги, у фуқаролик бурчи бўлганлиги сабабли, ўз хоҳиши билан рози бўлганлиги ва шундан сўнг, ИИБ ходимлари унга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришганлиги, шу ерда бўлган ХХХ билан профилактик суҳбат ўтказиш давомида ундан интернетнинг қайси ижтимоий тармоқларидан фойдаланиши сўралганида, у интернетдан фақат “Телеграм”, “Одноклассник.ру”, “Инстаграм” ижтимоий тармоқларидан фойдаланишини, телеграмда +99890-730-08-70 рақамидан фойдаланишини, “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғида ҳам ушбу телефон рақами орқали рўйхатдан ўтказганлигини маълум қилганлиги, сўнг ХХХга тегишли бўлган оқ рангли, орқа томони тахта кўринишидаги “Моторола” маркали қўл телефони кўздан кечирилганда, телефоннинг ички хотирасида интернетнинг “Одноклассник.ру” ижтимоий тармоғидаги “Шоира Юлдашева” номли (130 та дўстлари, 180 та қайдлари, 525 та фото суратлари, 21 та гуруҳлар мавжуд) профилига кириб, профилининг видеолар бўлимида “Класс” (менга ёқди) муносабат билдирган видеолари кўздан кечирилганда унда бир нечта диний мазмундаги видеолар борлиги аниқланиб, улар орасида “Рофиқ кори-Бенамоз одам мусулмонми – Бенамозлик ҳақида” номли (давомийлиги 05:45 дақиқа, 18.02.2018 йилда “Класс” муносабат белгиси босилган) маърузасига “Класс” босиш орқали ўзининг 130 нафар виртуал дўстларига тарқатганлик ҳолати аниқланганлиги, шу сабабли ХХХга тегишли бўлган “Моторола” маркали қўл телефон аппарати уларнинг иштирокида, текшириб кўришлик мақсадида, қонуний тартибда баённома асосида расмийлаштирилиб олинганлиги ва №1-сонли пакетга солиниб, муҳрланганлиги, шу билан бирга фуқаро ХХХга тегишли бўлган телефон аппарати ва профилида мавжуд бўлган диний мазмундаги юқоридаги



видео ҳам улар иштирокида, ДВД русумли дискка кўчирилиб, №2-сонли пакетга солинганлиги ва муҳрланганлиги, мазкур жараён “Самсунг А22” русумли қўл телефон аппаратида видео тасвирга туширилганлиги, баённома иштирокчиларга баланд овозда ўқиб эшиттирилганлиги ва кўшимча эътирозлар бўлмаганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ҳайдаров Ботирбек Ҳасанович суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам уяли алоқа воситасига +99899-102-66-60 абонент рақами қўйилганлиги, рақам ўзининг номига расмийлаштирилганлиги, уяли алоқа воситасидан жаҳон интернет тармоғига кириб, интернетдаги “одноклассники.ру” ва “Телеграм” ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб туришини, “одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидан “Botirjon Haydarov” номи билан профиль очганлиги ва ушбу профиль орқали ўзининг танишлари билан суҳбатлашиб турганлиги, охири маротаба “одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидан “Botirjon Haydarov” номи билан очилган профилига 2021 йил 13 апрель куни кирганлиги, 269 нафар дўстлари орасида “Юлдашева Шоира” исмли таниши ҳам борлиги, уни деярли анча йиллардан буён танишини, ўзига тегишли бўлган “одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидан “Botirjon Haydarov” номи билан рўйхатдан ўтган профили билан таниши ХХХнинг “Шоира Юлдашева” номли профили билан смс орқали гаплашмаганлиги, таниши ХХХни “одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидан “Шоира Юлдашева” номи билан рўйхатдан ўтган профили орқали “Rafiq qori benamoz odam musulmonmi-benamoz haqida” номли видеомурожаатга “класс” белгиси босган ёки йўқлигини билмаслигини, сабаби у ушбу “одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидан анча йиллардан буён фойдаланмасдан келишини, “Rafiq qori benamoz odam musulmonmi-benamoz haqida” номли видеомурожаат “Шоира Юлдашева” номи билан рўйхатдан ўтган профилидаги мавжуд бўлган барча дўстларини, жумладан уни профилининг лентасига келиб тушган бўлиши мумкинлиги, лекин у ушбу видео мурожаатни кўрмаганлиги, бу ҳолат 2018 йил 18 февраль кунда бўлганлиги сабабли, юқоридаги “Rafiq qori benamoz odam musulmonmi-benamoz haqida” номли видеомурожаатни эслолмаслигини ва унда нималар ҳақида гапирилганлигини ҳам билмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Жалолиддинов Васлиддин Бахтиёр ўғли суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам у уяли алоқа воситасига +99899-252-00-90 абонент рақами қўйилганлиги, ушбу рақами ўзининг номига расмийлаштирилганлиги, ўзига тегишли бўлган уяли алоқа воситасидан жаҳон интернет тармоғига кириб, интернетдаги “одноклассники.ру” ва “Телеграм” ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб туришини, “одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидан “Васлиддин Бахтиёрович” номи билан профиль очганлиги ва ушбу профиль орқали ўзининг танишлари билан суҳбатлашиб турганлиги, охири маротаба “одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидан “Васлиддин Бахтиёрович” номи билан очилган профилига 2019 йил 13 июль куни кирганлиги, мазкур профилидаги “Дўстлар” бўлимида жами 70 нафар дўстлари орасида онаси ХХХ ҳам борлиги, у “Васлиддин Бахтиёрович” номи билан рўйхатдан ўтган профили билан онаси ХХХнинг “Шоира Юлдашева” номли профили билан смс орқали гаплашиб турганлиги, онасини



“одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидан “Шоира Юлдашева” номи билан рўйхатдан ўтган профили орқали “Rafiq qori benamoz odam musulmonmi-benamoz haqida” номли видеомурожаатга “класс” белгиси босганлигини билмаслигини, у “одноклассники.ру” ижтимоий тармоғини мунтазам кузатмаганлиги, ушбу маъруза онасининг “Шоира Юлдашева” номли профилидаги мавжуд бўлган барча дўстларини лентасига кўринганлигини билмаслигини, бу воқеалар 2018 йил 18 февраль кунида бўлганлиги сабабли, “Rafiq qori benamoz odam musulmonmi-benamoz haqida” номли видеомурожаатни эслолмаслиги ва унда нималар ҳақида гапирилганлигини билмаслигини, суддан онаси ХХХни кечиришни ва унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Рўзиев Феруз Маратович суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам у Навоий вилоят ИИБ ТҚХ ТҚКБ тезкор вакили бўлиб 2022 йил октябрдан буён ишлаб келишини, Хатирчи тумани Чинобод МФЙда яшовчи Ш.Юлдошевага тегишли бўлган профилни кўздан кечириш мақсадида 2023 йилнинг 14 февраль куни Хатирчи туман прокуроридан “Алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш тезкор қидирув тадбирини ўтказиш” тўғрисида санкция олинганлиги ва шу қарорга асосан унинг қўл телефони 15.02.2023 йилда кўздан кечирилганлиги, кўздан кечириш жараёнида унинг однокласник ижтимоий тармоғидаги у томонидан класс белгиси босилган материаллар кўздан кечирилганлиги ва баённомага киритилганлиги, ХХХ 18.02.2018 йилда класс босган Рофиқ қорига тегишли бўлган “Бенамоз одам мусулмонми” номли маърузани класс муносабат белгисини босганлигини, ушбу материалга унга ёққани учун класс муносабат белгисини босганлиги, лекин ушбу маърузани тақиқланган маъруза эканлигини билмаганлигини билдириб тушунтириш хати ёзиб берганлигини, улар ХХХнинг қўл телефони кўздан кечириш жараёнида аниқланган материалларни мазмуни бўйича адабиётшунослик экспертизаси тайинлаганлиги, адабиётшунослик экспертизасини хулосасида Ш.Юлдошева 18.02.2018 йилда класс босган Рофиқ қорига тегишли бўлган “Бенамоз одам мусулмонми” номли маъруза ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганлиги аниқланганлиги, у билан ҳамкасби Ф.Рўзиев ХХХнинг ўз сўзидан айтган гапларини тушунтириш ва кўздан кечириш баённомасида акс эттирилганлигини билдириб кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХнинг жиноят содир этганликда айби, унинг ўзининг ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, ХХХни қўл телефон аппарати ҳамда интернет тармоғидаги профилларини кўздан кечириш баённомаси, 23.02.2023 йилдаги IV-019-сонли судга оид диншунослик экспертизаси хулосаси, тинтув ўтказиш баённомаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақидаги қарор, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ва бошқа ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ХХХнинг жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида сақлаш ва



Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХнинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноятни очиш учун фаол ёрдам берганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХга нисбатан жазо турини тайинлашда ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” – деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, аёллигини, нафақада эканлигини, оилали бўлиб, 3 нафар фарзанди борлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан берилган ижобий тавсифномани, келгусида жиноят содир қилмаслигини, фойдали меҳнат билан шуғулланишини билдириб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраган кафолат хатларини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларининг мажмуини инобатга олиб, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкинлиги ҳақидаги хулосага келиб, юқорида кўрсатилган ҳолатлар у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топди.

Бундан ташқари, суд ХХХга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига мувофиқ, унинг келгусида яна қасддан жиноят содир этишининг олдини олиш, жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида, озодликни чеклаш давомида оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик; уни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик; Навоий вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик; Интернетдан фойдаланмаслик каби пимча тақиқларни юклашни лозим деб ҳисоблайди.



Шунингдек, суд ашёвий далил сифатида эътироф этилган ХХХнинг “Моторолла” русумли қўл телефонини йўқ қилишни белгилашни, ХХХнинг қўл телефон хотирасидан ва профилидан кўчирма туширилган ҳамда профилини кўздан кечириш жараёни акс эттирилган 2 дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга суд, ХХХнинг “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғидаги “Шоира Юлдашева” номли профилини ва бошқа ижтимоий тармоқ профилларини блоклаш юзасидан ҳукмнинг мазкур қисмини ижро этиш учун ДХХ Навоий вилояти бошқармасига юборишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Судланувчи ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244¹-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи ХХХни яшаш жойи, яъни Хатирчи тумани “Чинобод” МФЙ Янги кўчаси 34-уйдан кечқурун соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 гача чиқиши чеклансин.

Судланувчи ХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига асосан;

- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;
- уни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- Навоий вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;
- Интернетдан фойдаланмаслик каби қўшимча таъқиқлар юклансин.

Судланувчи ХХХни хулқи устидан назорат олиб бориш Хатирчи тумани ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазо муддати суд ҳукми ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи ХХХга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган ХХХнинг “Моторолла” русумли қўл телефони йўқ қилинсин, ХХХнинг қўл телефон хотирасидан ва профилидан кўчирма туширилган ҳамда профилини кўздан кечириш жараёни акс эттирилган 2 дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

ХХХнинг “Одноклассники.ру” ижтимоий тармоғида “Шоира Юлдашева” ижтимоий тармоқ профили ва бошқа ижтимоий тармоқ



профилларини блоклаш юзасидан ҳукмнинг мазкур қисми ижро этиш учун ДХХ Навоий вилояти бошқармасига юборилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

/имзо/

Ф.Раҳманов

“Ҳукм нусхаси

